
“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оиласарга шу кунгача 830 000 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оиласарга шу кунгача 830 000 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди

Асли меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ҳамдиллик каби инсоний хислатлар бизнинг миллатимизга бегонамас. Зотан, “Одам тафтини одам кўтаради” деган мақол ҳам бежизга айтилмаган. Коронавирус пандемияси туфайли ширин лаҳзаларга бой бўлган дийдорга, самимий сўхбатларга лиммо-лим учрашувларга муштоқ бўлиб қолган кўнгиллар қанча. Айниқса, ушбу ҳиссиёт bemорларда, касаллик ёстиғига михланиб қолган инсонларда кучли бўлади. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида кекса-нуронийлар, хасталикка чалинган bemорлар ҳолидан хабар олиш мақсадида туманимизда яна бир савобли ишга бел боғланди. Туманинг Қалъача, Ғазнов, Соҳибкор, Тул маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 9 нафар фуқароларга бепул дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Нусратов Бобонусрат Қалъача маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Мана бир неча йилдирки, хасталик сабаб ёстиққа михланиб қолган. Лекин отахон бугунги тиббиёт соҳаси ходимлари фаолиятидан миннатдор. Чунки шифокорлар Бобонусрат-бобо ҳолидан ҳамиша хабар олиб туришади. “Мен ҳам бутун умримни шу масъулиятли касб – шифокорликка бағишладим. Мингдан-минг раҳмат бизга берилаётган эътибор ва ғамхўрликларга. Рўзаи рамазон айёмида шифокорларимиз томонидан қилинган бундай эзгу амаллар бизни жуда қувонтирди” – дейди бизга юзланиб бобо. Шу куни фуқароларга 1 миллион 420 минг сўмлик дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Шунингдек, биринчи сектор ҳудудидаги Девайрон маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка мўҳтоҷ оиласарга ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари – ун ва ўсимлик ёғи етказиб берилди. Маҳсулотларни аҳолига етказишида бевосита иштирок этган туман ҳокими Фарруҳ Усаров ва туман прокурори Фарҳоджон Абдувалиевлар фуқароларга мана шундай кунларда сабрли бўлиш лозимлиги, карантин талабларига риоя этган ҳолда томорқадан самарали фойдаланиш учун меҳнат қилиш кераклигини тушунтиришди.

Бизга етган маълумотларга кўра, шу кунгача туман миқёсида кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка мўҳтоҷ оиласарга 830 000 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари етказиб берилган. Сух туманида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида хайрли ишларни амалга ошириш жараёнлари давом этаяпти.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-05-02 15:56:25